

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

## БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(Энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

*мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция*

## МАТЕРИАЛАРИ

2024 йил 10 май

Бухоро – 2024

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2024 йил 10 май** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГАЧА)** мавзусидаги Республикао микёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу илмий тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

### **Масъул муҳаррир:**

**БухДУ профессори, тарих фанлари доктори**

**Ҳ.Ҳ.Тўраев**

### **Таҳрир хайъати ва аъзолари:**

О.Х.Ҳамидов - Бухоро давлат университети ректори, и.ф.д., профессор  
Т.Х.Расулов - илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ф.ф.д., профессор  
А.А.Болтаев - Тарих в юридик факультети декани, ф.ф.д., доцент  
Ф.У.Темиров - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири, т.ф.ф.д (PhD) доцент  
С.И.Иноятов – Бухоро давлат университети профессори, т.ф.д.  
М.И.Ниязова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н  
М.Б.Қурбонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н  
Ф.Ҳ.Бобожонова - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.н  
А.Ҳ.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси доценти, т.ф.ф.д (PhD)  
Б.Б.Болтаев - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д (PhD)  
О.И.Ражабов - Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси,  
Ш.Ў.Носиров – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,

### **Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:**

**Темиров Ф.У.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири  
**Умаров Б.Б.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси  
**Носиров Ш.Ў**– Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2024 йил 4 майдаги  
9 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,  
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг  
ўзлари масъул ва жавобгардир*

деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шу тариха аҳолининг кўпайиши натижасида катта-кичик турар жойлар аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган.

Худудда жойлашган “Оғойи Бузург” номи билан аталадиган “муқаддас” қадамжо зиёратгоҳига кўпгина аёллар ўз дардларига шифо истаб келганлар. Айрим манбаларда келтирилишича чиллахонага фақатгина аёллар кириши мумкин бўлган. Одатда аёллар фарзанд тилаб Аллоҳга мурожаат қилиб чиллахоларга киргани маълум. Шундай қадамжолардан Жондор туманида жойлашган қизбибиларнинг яна бири Самончук қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган Биби Маъсумаи пок мазоридир. Самончук – XV-XVI аср тарихий манбаларида учрайди. “Сомончи” атамасининг ўзгарган шакли. Сомон етиштириб берувчилар истиқомат қилган қишлоқ. Биби Маъсумаи пок ҳам бокира ўтганлиги сабаб қизбиби номи билан машҳур бўлганлиги ҳақида айрим манбаларда маълумотлар учрайди.

Афсоналарга кўра кофирларга кўзи тушмаслиги учун қизбиби ғойиб бўлган ва тепаликдаги ғорга кириб кетган. Кўпгина фарзандталаб аёллар бу жойга келиб тепаликни уч маротаба айланиб, ғор оғзига келиб Биби Маъсумаипокдан фарзанд сўрашган. Табиийки бўш ғордан акс садо қайтиб зиёратчилар қизбибининг тириклигига ишонишган. Ғор оғзига бориш ечун тепалик орасида бир киши сиғадиган тешикдан ўтишга тўғри келган, агарда кимда кимнинг гуноҳи кўп бўлса ғор уни сиқиб қўяди деган афсоналар ҳам мавжуд. Худудни ўрганиш жараёнида биз ҳам шу тешикдан ўтиб, ғор оғзидаги акс садони эшитишга муваффақ бўлдик. Ғордан фақатгина айтилган сўзнинг охириги қисми қайтиши ва бу нажотталаб зиёратчилар ишончининг янада ортишига сабаб бўлишига гувоҳ бўлдик. Бу каби бидъат ва ирим-сиримлар бугунги кун фан-технология даврида, албатта, ишончдан анча йироқда. Бироқ, нажотталаб кимсалар учун бу ҳам бир ихлос-у халос вазифасини бажарган.

Жуйбор хожалари ўз бойликларини, таъбир жоиз бўлса, “ўлик ерларни” тирилтириш, яъни янги ерларни ўзлаштириш йўли билан ҳам ошириб борганлар. Чунончи, фақатгина 1557-1579 йиллар орасида шу мақсадда Сомончук, Ачшона (Афшона), Севинчи калон каби Бухоро қишлоқлари ҳамда Чоржуй, Марв ва Вахшдаги ерларда каналлар қазилиб, уларга “жон ато қилинган”. Абдуллахон II нинг “Равзат ар-ризвон”да келтирилган бир қатор фармонларига кўра, мазкур ишларда хожаларни олий ва маҳаллий ҳукмдорлар жуда қўллаб-қувватлаганлар, уларга катта ёрдам берганлар.


Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муҳаммад Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991.
2. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
3. То'rayev H. Buxoro toponimikasi. – Buxoro: Durdon, 2021.
4. Темиров Ф. Жондор тумани тарихи. – Тошкент: 2011

**PROFESSOR H.H.TO'RAYEV – BUXORO TARIXI TADQIQOTCHISI**

**A.H. Boltayev**  
*Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrasini dotsenti, t.f.f.d. (PhD)*  
**O.I. Rajabov**  
*Arxeologiya va Buxoro tarixi kafedrasini katta o'qituvchisi*

Buxoro O'zbekistonning qadimiy madaniy maskanlaridan biri bo'lib uning tarixi, madaniyati O'zbekistonda yashovchi barcha xalqlar o'tmishining bir bo'lagi hisoblanadi. Alohida olingan bir qadimiy hudud o'tmishini O'zbekiston tarixi doirasida maxsus o'rganish O'zbekiston mustaqillikka erishgandan keyin boshlandi.



O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2018-yil fevralda Buxoro viloyatiga tashrifi Buxoro tarixini maxsus o'qitish borasidagi masalaning ijobiy yechim topishiga yo'l ochdi. Prezidentimiz tomonidan Buxoro davlat universiteti huzurida Buxoro tarixi ta'lim yo'nalishini ochish to'g'risida berilgan topshiriqqa binoan 2018-2019 o'quv yilida "Tarix. Buxoro tarixi" ta'lim yo'nalishi tashkil etildi va unda talabalar tahsil oldi. Hozirgi kunda muassasada "Arxeologiya va Buxoro tarixi" kafedrasida faoliyat olib bormoqda. Bu yo'nalishning ochilishi va kafedrani tashkil etishda tarix fanlari doktori, professor Halim To'rayevning xizmatlari katta bo'lib, o'lka tarixiga bag'ishlangan bir

qator ilmiy tadqiqotlar natijasi sifatida ustoz tomonidan "Buxoro tarixi" nomli o'quv-qo'llanma, "Buxoro toponimikasi" va "Buxoro tarixi yozma manbalarda" nomli darsliklar nashr etildi.


Ustoz Halim To'rayevning 2020-yilda nashr etilgan "Buxoro tarixi" nomli o'quv-



qo'llanmasi Tarix. Buxoro tarixi yo'nalishi talabalari hamda Buxoro tarixi masalalari bilan qiziquvchi barcha kitobxonlar uchun mo'ljallangan. Mazkur o'quv-qo'llanmada Buxoro tarixining qadim davrdan to hozirgacha bo'lgan davr tarixi yoritilgan bo'lib, qariyb uch ming yillik tarixni o'z ichiga oladi. Shuningdek, muallif muqaddima qismida manbalar tahlilini ham amalga oshirgan bo'lib, hozirgi kunda ko'plab o'quv-qo'llanmalarda bu kabi ishlarni uchratmaymiz.

2021-yilda ustoz Halim To'rayev tomonidan "Buxoro toponimikasi" darsligi nashr yuzini ko'rdi. Unda Buxoro shahri va viloyat tumanlarining qisqacha tarixi, voha tarixiy toponimlarining shakllanishi, etimologik va ijtimoiy ma'nolari, fonetik o'zgarishlarga uchrashi, joy nomlarida mahalliy lahja xususiyatlari va tabiiy geografik shart-sharoitlarning aks etishi,

etnotoponim va onomalarning paydo bo'lish sabablari kabi masalalar har bir tuman, qishloq va mahalla fuqarolar yig'ini kesimida alohida o'rganilib, tahlil qilingan. Darslikda ham ustoz tomonidan so'z boshidan so'ng muqaddima qismida toponimikaga oid manbalar tahlili amalga oshirilgan. Shundan so'ng o'lkamizdagi joy nomlari tahlili amalga oshirilgan.



Ustozning navbatdagi darsliklari "Buxoro tarixi yozma manbalari" bo'lib, bu darslik 2023-yil nashr yuzini ko'rdi.

Buxoro tarixiga oid yozma manbalarning asosiy turlarini o'z ichiga oladi. Bunda narrativ (qisqa matnli hikoya, rivoyatlar) manbalardan tashqari, qo'lyozma hujjatlar, ularning turlari, tarixiy axborotni o'zida mujassam qilish darajasi va umuman Buxoro tarixini o'rganishdagi ahamiyatiga asosiy e'tiborni qaratilgan. Darslikda Buxoro yozma manbalarining xronologik chegarasi qadim zamonlardan XX asr boshlarigacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Shuningdek, Buxoroning o'rta asrlar davriga oid manbalar tavsifiga ko'proq o'rin berilgan.

## Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

Chunki o'рта asrlarga oid qo'lyozma manbalarning o'rganilish darajasi, ilmiy tavsifi, tarjimalari boshqa tarixiy davrlarga nisbatan ancha yuqori va salmoqli. Xuddi shu ko'rsatilgan davrda Buxoro tarixnavislik maktabi an'analarning o'ziga xos jihatlari, uslublari, tarixiy adabiyotlarning omma ma'rifiy ehtiyojiga xizmat qilish darajasi, ularga bo'lgan talab va ehtiyoj, erkin va mustaqil bayon uslubi qo'llanishining tarixiy manbalardagi ifodasi kabi masalalar darslikning negizini tashkil etadi.

Xulosa qilib aytganda, ustoz H.To'rayev tomonidan yaratilgan bu kitoblar o'quvchi talabalar, Buxoro tarixi va o'lka tarixi bilan qiziquvchilar uchun mo'ljallangan bo'lib, bu kitoblar ustozning uzoq yillik ilmiy faoliyati va mehnati natijasidir. Ustozning ilmiy ishlariga omad tilab, u kishidan yangi-yangi tadqiqotlarni kutib qolamiz.

### **2023 ЙИЛИНИНГ 20 СЕНТЯБРДА БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ ҚЎРИҚХОНАСИ ВА БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА “БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ: ТАРИХИЙ – МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНИМИЗ” МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ СЕМИНАР ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ ҲАҚИДА**

**Фаррух Темиров**

*БухДУ, Археология ва Бухоро тарихи кафедраси  
мудир, т.ф.ф.д (PhD) доцент*

Бухоро тарихи ҳали тўлиқ очилмаган ва ўрганилмаган тарихий маскан, очик осмон остидаги музей бўлиб 2500 – 3000 минглар давомида тарихий-маданий бинолар, археологик ёдгорликлари тарихчи, археолог, манбашунос олимлар ва мутахассисларни қизиқтириб келади. Бу борада талайгина ишлар қилинди, қилинмоқда, минглаб китоблар ёзилди ва ёзилмоқда, лекин ҳали Бухорои шарифнинг очилмаган, ўрганилмаган тарихий саҳифалари жуда кўп.

Бевосита, шахсан Бухоро вилояти ҳокими Б.Зарипов раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳ бу борада қилинаётган хайрли ишлари, ташаббуслар албатта қувонарли ҳолдир. Минг йилликлар давомида қанчадан-қанча тарихни жонли гувоҳи бўлган Арк кўрғони тарихи, унинг археологик қисмларини қайта ўрганиш, тиклаш ва асраб авайлаш учун бу ерда **Археологик парк** ташкил этилди, реставрация қилиниб, янги йўлакчалар, хариталар қилиниб қўйилди.

Арkning илмий ўрганилиши БХШЖ даврида бошланди. “Тарихи анжуман” илмий ташкилоти дастури доирасида Сайид Муҳаммад Носиртўра, Мусо Саиджоновлар Бухоро аркини ўрганишга қўл урган илк тадқиқотчилар ҳисобланади. Лекин улар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар топографик характерга эга бўлиб, Арк ичидаги биноларнинг номи, жойлашуви, вазифалари тўғрисидаги маълумотлар билан чегараланиб қолган.

Андреев ва Чехович, шунингдек, М.Салихов тарафидан кейинги босқичларда



**О.Х.Хамидов. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро илм-фан ва маданият ўчоғи.....3**

Сулаймон Иноятов. БУХОРО ФИДОЙИ ЖАДИДЛАРИ ҲАРАКАТИ: ТАРИХ ВА ТАҚДИР .....	5
Фаррух Темиров, Раъно Раҳимова. БУХОРО ВИЛОЯТИ, ЖОНДОР ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН “УШОТ” ВА “СОМОНЧУҚ” ҚИШЛОҚЛАРИ ТАРИХИ ҲАҚИДА .....	15
A.N. Boltayev, O.I. Rajabov. PROFESSOR N.N.TO‘RAYEV – BUXORO TARIXI TADQIQOTCHISI .....	17
Фаррух Темиров. 2023 йилнинг 20 сентябрда Бухоро давлат музей кўриқхонаси ва Бухоро давлат университетидида “Бухоро тарихи масалалари: тарихий – маданий меросимизни ўрганимиз” мавзусида Республика миқёсидаги илмий семинар ва унинг натижалари хақида .....	19

**1-ШЎҒБА. БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ, ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ (АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ШАҲАРСОЗЛИК, ИЛМ-ФАН, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ).....22**

Отахўжаев Азимхўжа Музаффарович. БУХОРОНИНГ ҚАНҒ ДАВЛАТ УЮШМАСИДАГИ ЎРНИ.....	22
Комилжон Раҳимов. ЎРТА АСРЛАРДА БУХОРОДА КУТУБХОНАЛАР ВА КИТОБ ДЎКОНЛАРИ ВА УЛАРДАГИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ .....	25
Shodiyeva Shahlo Soliyevna, Umedov Xurshidbek Jamshid o‘g‘li. SO‘G‘D KONFEDERATAYASIDA DAVLAT BOSHQARUVI .....	29
Очилов Алишер Тўлис ўғли. ПОЙКЕНТ МУЗЕЙИ - АНТИК ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИДАН СЎЗЛОВЧИ МУЗЕЙ .....	33
Даминов Набижон Абдуолимович. ДОБУСИЯ ҚАЛЪАСИ ТАРИХИ.....	36
Вафоёева Сарвиноз Умиджон қизи, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORO VOHASINING ILK SHAHARLARI:POYKENT VA VARAXSHA .....	40
Narzulloev Farrux, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORONING ANTIK VA ILK O‘RTA ASRLAR TARIXI (POYKENT MISOLIDA) .....	42
Шокирова Ферангиз Фурқат қизи, Rajabov Oybek Iskandarovich. ILK O‘RTA ASRLARDA DAVLATCHILIK VA BOSHQARUV .....	45
Islamova Qunduz. BUXORONING QADIMGI, ILK VA O‘RTA ASRLAR DAVRI TARIXI MASALALARI.....	47
Hikmatova Salomat Hamza qizi, Ahmadov Ahmadjon Asror o‘g‘li. BUXORONING ZAMONBOBO YODGORLIGI MODDIY MADANIYATI.....	49
A‘zam Boltayev, Hamroyev Bekzod. BUXORO TUMANIDAGI ETNOTOPONIMLAR TARIXI.....	51
Umarov Baxtishod. BUXORONING SOMONIYLAR MARKAZIGA AYLANISHI MASALASI.....	53
Juraqulov Muhammadamin Shohtamovich. SOMONIYLAR DAVRIDA KUTUBXONA VA KITOBDORLIK TIZIMI .....	56
Samaneh Khalili Far, Abbas Iqbal Mehran. INVESTIGATING THE ROLE OF SAMANI RULERS IN THE ART OF PAINTING IN THE SCHOOL OF BUKHARA.....	60
Narimonov Murodillo Ismat og‘li, Utayeva F.X. SOMONIYLAR DAVLATIDA ILM-FAN, MADANIY HAYOT VA DIN .....	71
Ozodova O‘g‘iloy Davron qizi, S.A.Toshtemirova. QORAXONIYLAR DAVRIDA BUXORO SHAHRIDA SHAHARSOZLIKNING RIVOJLANISHI .....	73
Xo‘jageldiyev Ibodulla Mamaradjab o‘g‘li. BUXORO ME‘MORCHILIGI.....	74
Shodiyeva Shahlo Soliyevna. AMIR TEMURNING OILASI VA OILAVIY HAYOTI: HOKIMIYATINING GENEALOGIK LEGITIMLASHUVI.....	78